*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

# Ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

аҳоли, ижтимоий соҳа муассасалари, махсус истеъмолчилар ва саноат йўли билан қайта ишлаш учун қанд-шакарга ва импорт бўйича келтириладиган мажбурий турдаги бошқа ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжни мунтазам ўрганиш;

қанд-шакар ва импорт бўйича келтириладиган бошқа ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини улгуржи-чакана савдо шохобчаси орқали сотишни пухта ташкил этиш ҳисобига республиканинг бутун ҳудудида аҳолини, ижтимоий соҳа муассасалари ва махсус истеъмолчиларни улар билан ишончли ва узлуксиз таъминлаш;

қанд-шакар ва ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган уларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ресурсларининг моддий балансларига мувофиқ импорт бўйича марказлаштирилган тартибда харид қилиш;

зарур ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари хорижий валютага импорт бўйича харид қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган товарларни харид қилиш ва республика ташқарисида сотиш йўлларини излаш;

қанд-шакар ва бошқа ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари тузилган импорт контрактларига мувофиқ республика минтақаларига ўз вақтида етказиб берилиши ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан белгиланган тақсимотга мувофиқ уларнинг чакана савдо корхоналарига етказилиши устидан мониторинг ўтказиш.

3. Ташкил этилаётган “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компаниясининг устав жамғармасини қуйидаги улушларда шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

26 фоиз – давлат мулкини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини бериш йўли билан шакллантириладиган давлат улуши ҳисобига;

24 фоиз – Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида хизмат кўрсатилаётган ҳудудни узлуксиз таъминлаш учун етарли бўлган омбор бинолари ва бошқа зарур инфратузилмани компаниянинг мулки этиб бериш йўли билан Ўзбекистоннинг йирик улгуржи ва улгуржи-чакана савдо компанияларининг улушлари ҳисобига;

50 фоиз – ишончли халқаро нуфузга ва Ўзбекистонда иш тажрибасига эга бўлган озиқ-овқат товарлари етказиб берувчи йирик хорижий компанияларнинг улушлари ҳисобига.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда озиқ-овқат товарлари етказиб берувчи етакчи хорижий компаниялар билан музокаралар олиб борсин ҳамда “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компаниясининг хорижий муассисларини ва уларнинг устав жамғармасига улушларини аниқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда республика ҳудудида ўз омбор биноларига эга бўлган улгуржи ва улгуржи-чакана савдо корхоналари орасидан компаниянинг ўзбекистонлик муассисларини, шунингдек, “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компаниясининг устав жамғармасида уларнинг улушли қатнашуви миқдорлари ва шаклларини белгиласин.

6. “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси ва унинг марказий аппарати ташкилий тузилмаси маъқуллансин.

“Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компаниясига Бошқарув раисининг икки нафар ўринбосарига эга бўлишга рухсат берилсин.

Белгилансинки, “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига белгиланган тартибда компания Кузатувчи кенгаши томонидан тайинланадилар, кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадилар.

“Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари мақомига, маиший таъминот ва тиббий ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра, тегишли равишда вазирга ва вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

8. “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси томонидан ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт бўйича харид қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жаҳон ва ички бозорларда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари нархлари устидан мониторингни амалга оширсин ҳамда “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси томонидан тузиладиган импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида, ваколатли банкда ва божхона органларида рўйхатдан ўтказишда ўз хулосаларини берсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари етказиб беришга шартномалар тузиш учун ижтимоий соҳа муассасалари ва чакана савдо корхоналари жойлашишини “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси эътиборига етказсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, “Ўздавзаҳира” бош бошқармаси ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари уларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тасдиқланган балансларида назарда тутилган ҳажмларда импорт бўйича етказиб бериш юзасидан “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси билан шартномалар ўз вақтида тузилишини таъминласинлар.

12. “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси:

давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун муддатда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари етказиб бериш юзасидан савдо корхоналари республиканинг бутун ҳудудида қанд-шакар, ўсимлик мойи ва бошқа ҳаётий муҳим озиқ-овқат товарлари савдоси билан аҳолининг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш имконини берадиган этиб жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий соҳа муассасалари, махсус истеъмолчилар, чакана савдо корхоналари билан шартномалар тузилишини таъминласин;

“Ўздавзаҳира” бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2000 йилда қанд-шакарни заҳирада сақлашнинг тегишли нормативлари ҳажмида давлат заҳирасига ғамлашни таъминласин;

аҳолини қанд-шакар билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2000-2001 йилларда 20 минг тонна миқдорида йилдан-йилга ўтувчи суғурта фондини шакллантирсин.

13. Белгилансинки, қанд-шакардан саноат эҳтиёжлари учун фойдаланувчи саноат корхоналари қанд-шакарни мустақил равишда импорт қиладилар, ёхуд эҳтиёжлар миқдори унча кўп бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ушбу мақсадлардаги умумйиллик квоталар доирасида, етказиб бериш учун “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компаниясининг ҳудудий бўлинмалари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузадилар.

14. Қанд-шакар ва ўсимлик мойини саноат йўли билан қайта ишлаш мақсадида чакана савдо тармоғи орқали сотиш қатъиян тақиқлансин.

Белгилансинки, қанд-шакар, ўсимлик мойи ва ун билан чакана ва улгуржи савдо қилиш қоидалари бузилганлиги, шунингдек, уларни республика ташқарисига олиб чиқиб кетишга уринилганлиги учун айбдор шахслар жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий жавобгарликка тортиладилар, савдо корхоналари эса савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномадан маҳрум этилади.

15. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари билан кафолатли таъминлаш мақсадида:

ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари улгуржи-чакана савдосининг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига;

ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари нархларини шакллантириш нормаларининг асосланганлиги ва уларга риоя этилиши, улар нархларининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назоратни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига;

аҳолини чакана савдо тармоғи орқали ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари билан узлуксиз таъминлаш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига;

қанд-шакар, ўсимлик мойи ва ун республика ташқарисига яширинча олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назоратни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юклансин.

16. “Ўзозиқовқаттаъминот” давлат-акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдонидаги 5-уйга жойлаштирилсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва М.Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 август.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

# ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛИК – ВАЙРОНКОРЛИК МАНБАИ

— Бу хатти-ҳаракатларни ҳам халқаро терроризмнинг умумий манфаатлари доирасида олиб қараш ўринли бўлади. Маълумки, муайян бир разил мақсадни кўзлаб зўравонликка қўл уриш, шу ниятга эришиш учун тинч аҳоли ҳаётини издан чиқариш, қотиллик, босқинчилик, ижтимоий беқарорликни содир этиш — халқаро террорчиликнинг йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қоляпти. Сариосиё ва Узун туманларига кирган террорчиларнинг асосий мақсади — наркотик моддалар ва қурол-яроқ транзитини йўлга қўйиш эди. Улар ана шундай манфур ниятларига йўлак очиш илинжида ушбу террорчиликни уюштирдилар.

Бу ерда ҳеч бир сиёсий маслак йўқ. Бу борада ўтган йилнинг август-октябр ойларида Боткен воқеаларида босқинчилар қандай тактика ва усулларни қўллашган бўлса, бу ерда ҳам худди шундай йўл тутдилар. 1998 йилдан бери Боткен туманида наркотик моддалар ўтказиш таянч нуқталари мавжуд эди. Бу туман орқали Афғонистондан ўтаётган наркотик моддаларининг 70 фоизи жиноятчилар томонидан назорат қилинар эди. Ўзбекистон томонидан кўрилган кескин чоралардан сўнг улар янги наркотрафик, наркотик моддалар йўналишларини излашга мажбур бўлдилар.

**— Бу кучлар орқасида кимлар турибди ва кимлар уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда?**

— Террорчилар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш икки йўналишда давом этаяпти. Бу, аввало, террорчиларнинг ўз-ўзини молиявий таъминлаш йўли бўлса, иккинчиси, уларнинг ташқи «ҳомийлар» томонидан қўллаб-қувватланишидир.

Террорчиларнинг ўз-ўзини молиявий таъминлаши рэкет, ўғирлик, қароқчилик хуружлари тарзидаги оддий жиноятчилик усуллари орқали амалга оширилмоқда. Бу жиноят усулларини террорчилар «амалиёт» деган сўз билан ниқобламоқдалар. Иккинчидан, террорчилар янада мураккаброқ жиноий фаолият йўлини танлаб, Марказий Осиё ҳудудини халқаро наркотик контрабанданинг бир қисмига айлантиришга уринмоқдалар. Бугун улар наркотик моддалар воситасида даромад топиш мақсадида Афғонистон — Марказий Осиё — Россия (МДҲ )— Оврупо халқаро наркоканал йўлини очишга зўр бермоқдалар.

Иккинчи йўл, юқорида айтганимиздек, террорчиларга ташқаридан молиявий ёрдам кўрсатишдир. Масалан, Қирғизистоннинг жанубида содир этилган террорчилик фаолияти ана шундай ташқи молиявий, моддий ва ташкилий ёрдам воситасида юз берди.

Бугунги кунда ўзларини «ўзбек исломчилари» деб атаган, аммо жиноятлар қилиб Ўзбекистонни тарк этган гуруҳларни ислом дини ниқоби остидаги халқаро экстремистик гуруҳлар ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқдалар.

Усома Бин Ладен бошлиқ «Бутунжаҳон жиҳод фронти» ана шундай ташкилотлардан биридир. Бу террорчилик ташкилоти турли мамлакатларда жангариларни тайёрлаш учун махсус машғулот лагерлари ташкил этмоқда. Бундай лагерлар бошқа мамлакатларда ҳам ташкил этилишига ҳомийлик кўрсатмоқда. Ер юзининг турли «қайноқ нуқталар»ига ўз йўриқчиларини ва ёлланма кучларни сафарбар этмоқда, уларни қурол-яроқлар билан таъминламоқда. Айрим маълумотларга кўра, Бин Ладен МДҲ давлатларида террорчилик ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳар йили 250 миллион доллар ажратмоқда. Марказий Осиё — Усома Бин Ладен ялоғидан баҳра олаётган агрессив диний экстремистлар ҳаракати йўналтирилган стратегик ҳудудлардан бири бўлиб қоляпти. Масалан, 1996 йилда ана шу халқаро экстремистик ташкилот томонидан Жума Намангонийга 250 минг доллар миқдорида «садақа» берилган. Олинган маълумотларга кўра, Бин Ладен 1999 йилнинг июн ойида Тоҳир Йўлдош билан Қундуз шаҳрида учрашиб, унга ҳам 500 минг доллар инъом қилган.

Усома Бин Ладен томонидан Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида жангариларни тайёрлайдиган қўшимча лагерлар уюштирилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Худди шундай лагерлар Балхда, Давлатободда, Чимталиҳда ҳам вужудга келтирилмоқда. Уларда маҳаллий ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар ва туркманлар ёлланма жангарилар сифатида машғулотлардан ўтмоқда.

Диний экстремистик ниқобдаги террорчиларни ташқаридан қўллаб-қувватлашда Усома Бин Ладен ёлғиз эмас. Улар бошқа манбалардан ҳам озми-кўпми озиқаланиб турганлиги тўғрисида маълумотлар бизда етарли.

**— Халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик ва экстремизм, чиндан ҳам, одамзод бошига озмунча ташвишлар келтирмаяпти. Дунёнинг кўп жойларида аҳоли ана шу мудҳиш кучлардан жабр тортмоқда. Шундай экан, бу жиноий уюшмаларга хорижий давлатларнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари қандай муносабатда бўлишяпти?**

— Хорижий дунёда мазкур жиноий уюшмаларга нисбатан қарашдаги бош йўналиш тўғрисида гапирсак, албатта, уларнинг хатти-ҳаракатлари қораланмоқда. Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро миқёсда чора-тадбирлар ҳам кўриляпти. Лекин шу билан бирга, террорчилик ва экстремизмга муносабатда кишини таажжубга соладиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, сўнгги пайтларда Би-Би-Си, «Озодлик» радиостанциялари орқали берилаётган эшиттиришларда нохолислик кузатилмоқда. Бу хорижий оммавий ахборот воситаларида жиноий террорчилик гуруҳларини қўллаб-қувватловчи шахсларнинг чиқишлари уюштирилмоқда. Аксар ҳолларда, мазкур радиостанцияларнинг мухбирлари террорчилик ташкилотлари билан фаол мулоқотда бўлиб, уларга ўз қилмишларини сиёсий жиҳатдан оқлаб кўрсатиш учун кўмак беришдан ҳам тоймаяптилар. Шу ўринда, бу радиостанцияларнинг вакилларига табиий бир саволни беришга тўғри келади. Наҳотки, улар каллакесарларнинг Фарғона водийсида олиб борган жиноятчилик фаолияти даврида 30 га яқин қотилликни содир этганликларини, Боткен воқеаларида 54 киши, 1999 йилнинг 16 феврал куни Тошкентдаги портлашлар пайтида 16 нафар бегуноҳ киши қурбон бўлганларини, Тожикистоннинг Қарчиғай қишлоғида Ўзбекистонга қайтиб, қуролни топшириш ва тавба қилиш истагида бўлган 17 нафар ёш йигитни сўйиб ташлаганларини эшитмаган бўлса? Боткенда Япония фуқароларини гаровга олиб, уларнинг эвазига 3 млн. доллар талаб қилинганликларини ва бу билан нафақат қотилликда, балки одам ўғирлашда ҳам айбланишларини наҳотки билишмайди? Билишади. Модомики шундай экан, хорижий радиостанцияларнинг ҳаво тўлқинлари орқали тарқатаётган ахборотлари ва фикрларида қанчалик бурд ва ҳақиқат бўлиши мумкин? Бу энди шу радиостанция вакилларининг виждонига ҳавола.

Яна бир кузатиш. АҚШ Президенти Б.Клинтон 7 август куни АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарининг портлашига 2 йил тўлгани муносабати билан ўз баёнотида «АҚШ ўз манфаатларини бутун ер юзида энг кескин чоралар воситасида ҳимоя қилишга қодир» деб алоҳида таъкидлади. Демак, агар Америка манфаатларига путур етказиладиган бўлса, АҚШ ҳеч иккиланмасдан хоҳлаган шаҳарни ёки давлатни нишонга олиши мумкин. Бошқалар-чи? Масалан, агар АҚШ Давлат Департаменти вакили Ричард Баучернинг гапига қулоқ соладиган бўлсак, бошқаларга АҚШ бу борада «босиқ бўлишни» таклиф этаркан. Ҳаттоки бизларнинг чегарамизнинг бузиб ўтган бандитлар ва террорчиларга бизлар, нима эмиш, босиқлик билан муносабатда бўлишимиз керак экан.

Шу йилнинг июн ойида АҚШ Давлат Департаменти ҳар йилгидек, энг йирик террорчи ташкилотлар ва уларнинг ашадий вакиллари рўйхатини эълон қилди. Бу рўйхатда Усома Бин Ладен, Ҳаттоб, Басаевлар билан бир қаторда Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдошларнинг номи бор. Ўзлари энг ашаддий террорчи деб кўрсатаётган кимсаларга жаноб Р.Баучер босиқлик билан муносабатда бўлишни таклиф этмоқда. Хўш, буни қандай тушунишимиз керак? Бу бориб турган сиёсий иккиюзламачилик эмасми?

Хуллас, халқаро дунёда террорчилик, уюшган жиноятчилик ва экстремизм балоларига муносабатнинг бундай кўринишларидан ҳам зарур сиёсий ва маънавий хулосалар чиқаришимиз керак бўлади.

**— Сиёсатшунос сифатида ҳудудимизда террорчилик ва экстремизм ҳодисаларининг олдини олиш учун ҳозирги кунда қандай йўл тутиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Бугун дунёнинг кўпгина жойларида, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам экстремизм ва террорчилик шарпаси кезиб юрибди. Агар бунга жиддий аҳамият берилмаса, шароит тақозо этаётган даражада қатъий чора-тадбирлар кўрилмаса, бу қабиҳ ҳаракатлар томир ёйиши, экстремистлар минтақадаги халқларга янада оғирроқ кулфат ва ташвишлар келтириши мумкин. Халқаро террорчилик, экстремизм, Президентимиз ибораси билан айтганда, чиндан ҳам, вайронкорлик манбаи. Унга қўл қовуштириб қараб ўтириб бўлмайди. Бу борада Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари қарши кураш ҳаракатларини бирлаштиришлари керак.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Михли САФАРОВ**
**суҳбатлашди.**

# Ҳарбий операция давом этмоқда

**САРИОСИЁ.** (ЎзА мухбирлари Мусулмон Намозов ва Чори Тўхтаев хабар қилади). Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида халқаро террорчилар гуруҳини тугатиш борасидаги операция режага биноан давом этмоқда. Қолган-қутган террорчилар бекиниб олган ғорлардан чиқишга мажбур бўлмоқда. Сабаби — террорчиларнинг радиосўзлашувларидан маълум бўлмоқдаки, уларнинг озиқ-овқати тугаган, ярадорлари учун дори-дармон етишмаяпти, кўмилмаган мурдаларнинг қўланса ҳидидан ғорда туриш мумкин бўлмай қолган.

Шу боис душман яшириниши мумкин бўлган жойлар зенит тўплари, миномётлар ва ҳаводан бомбардимон қилинмоқда. Қўшинларимизнинг барча ҳаракати аскарларимиз орасидан қурбонлар бермасликка қаратилган. Жангларда бевосита иштирок этаётган аскар ва зобитларнинг руҳи тетик. Тозалаш тадбирлари давом этаётган ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли пастга кўчирилмоқда. Кўчириш ишларини Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (ФВВ) Сурхондарё вилоят бошқармаси режага асосан ташкил этган. Кўчирилганлар ҳозирча Сариосиё ва Узун туманларидаги махсус гўшаларга жойлаштирилмоқда. ФВВ ходимлари маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда кўчирилганларни иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминлади. Тиббий назорат ташкил этилган. Ўзаро суҳбатларда кишилар халқнинг тинч ҳаётини нотинч қилган террорчиларга нисбатан қаҳру ғазабини билдираётир.

Огоҳликка даъват 15 август куни Сариосиё туман ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишининг бош мавзуси бўлди. Йиғилишда сўзга чиққанлар террорчиларнинг босқинчилик ҳаракатларини кескин қораладилар, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда бир жону бир тан эканликларини изҳор қилишди. Жамоатчиликни янада ҳушёр бўлишга даъват этишди.

Биз ҳам Г.Хидиров номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, одамлар билан суҳбатлашдик. Мана, уларнинг фикрлари:

– Террорчиларнинг нияти одамларни тинч меҳнатдан чалғитиш, юрагига ваҳима солиш, — дейди пудратчи Авайдулло Отауллоев. — Лекин одамларимиз қўрқаётгани, ваҳимага тушаётгани йўқ. Бу билан каллакесарларни маънавий жиҳатдан енгдик. Ҳарбий жиҳатдан эса босқинчилар эрта-индин мағлуб бўлишига ҳамманинг кўзи етиб турибди.

– Афсуски, ёшим етмишдан ошиб, кексайиб қолдим,– дейди меҳнат фахрийси Шафоат ота Ниёзов. – Қўлимга қурол олиб, баттолларнинг адабини беришим қийин. Лекин шу кунлари бузғунчилардан биронтасини учратсам, ҳассам билан бўлса ҳам уриб ўлдирардим. Ота-онага қарши борган, уларга қўл кўтарган оқпадар бўлади. Ватанга қўл кўтарган, бегуноҳ одамларнинг ҳаётига тажовуз қилган одам-чи? Бундайларнинг икки дунёси ҳам куйиб кетади.

**(ЎзА)**

# МЕҲНАТИ БАХТИ УНИНГ

Бахтиёржон Умаров ҳалол меҳнати билан эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор топганлардан. У бир неча йилдирки, Наманган туманидаги «Ўзбекистон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида механизатор бўлиб ишлайди. Касби туфайли рўзғори бут, дастурхони тўкин.

— Меҳнат қилган одам нафақат оиласини, балки юртини ҳам бой қилади, — дейди Бахтиёржон Умаров.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**



# САРҲАДЛАРДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

зобит ва аскарлар томонидан кечаю кундуз ҳимоя қилиняпти. Чегарага яқин Андархон, Ўрмончи, Янгиҳаёт сингари қишлоқларда маҳаллий аҳоли билан чегарачилар ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Яқинда наркотик моддаларни олиб киришга ҳаракат қилган бетайин кимсалар чегара посбони Баҳром Эргашевнинг ҳушёрлиги туфайли ўз вақтида ушланди.

Боткен тумани билан чегарадош ҳудудларда от миниб сергаклик билан юрган ўспирин йигитни учратиб қолдик. Ўзбекистон туманининг Каримдевона қишлоғилик Акбарали Яминов ўз ҳис-ҳаяжонини яширолмай, тўлқинланиб гапирди:

– Бир гуруҳ жангарилар тинчлигимизни бузиб, юртимизга тажовуз қилмоқчи бўлганлигини эшитиб, уйда ўтиролмадим. Айниқса, Сурхондарёнинг баланд тоғ қишлоқларига суқилиб кириб олган ғаламислар билан тенгсиз жангда қатор тенгдошларимиз ҳалок бўлганлигини эшитиб, қоним қайнаб кетди. Агар Ватан буюрса, бугуноқ ўша олдинги марраларга борамиз. Ҳозир эса шу ерда, оз бўлса ҳам, нафим тегиб турсин, деб чегарачиларга ёрдам беряпман. Чунки бу қир-адирларнинг ҳар бир қадами, ҳар бир қаричини яхши биламан.

Қирғизистон Республикаси оммавий ахборот воситалари тарқатган расмий маълумотга кўра, Қирғизистон орқали Тожикистон ҳудудига, ундан эса бизнинг юртимиз сарҳадларига суқилиб кириб олишга ҳаракат қилган халқаро террорчилар келган манзиллари томон анча улоқтириб ташланган. Айни пайтда ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик бизни хавф-хатардан асраши шубҳасиз.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Қурбон ҳайитининг биринчи намоз куни эди. Одатимча, барвақт туриб, уйимиз (кўп қаватли) йўлакларига сув сепиб, супуриб-сидирдим. Нонушта тайёрлаётиб кўча тарафга қараган айвон деразасидан қўлларида нон, қаймоқ, яна аллақандай ширинликлар билан ҳайит намозидан келаётган эркаклар, йигитларга кўзим тушди.**

# ЎҒЛОНИМ, ОМОН ҚАЙТ

Уларга тикилиб туриб хаёлим бўлинди. Бўғзимга тиқилган нарса кўзимни намлади. «Ўғлим бўлганда эди, «Ойижон, аёмингиз қутлуғ бўлсин, дея кириб келармиди?» деган ўй ҳали хаёлимдан ўтиб улгурмай, қўнғироқ жиринглади. Эшикни оча туриб шоша-пиша кўз ёшларимни артдим. Не кўз билан кўрайки, тўғримдаги қўшнимнинг ўғиллари — Ботиржон. «Кеннойи, эшигингизни босиб ўта олмадим, аввал сизни ҳайит билан муборак қилай девдим» деса бўладими? Базўр тийилган кўз ёшларим яна оқди. «Айланай, Сиздан, Сиз менинг кўнглимни кўтарсангиз, Оллоҳ Сиздан хабардор бўлсин, минг раҳмат», дея алқай-алқай уни ҳам қутлаб, севинчимни ичимга сиғдиролмай, ҳозиргина кўнглимдан ўтказганим — хаёлларимни қўшним ўғлига ҳам гапириб бердим. Шунда у «Ҳеч ўксиманг, мана, мен Сизга ўғил қаторидаман-да», деган эди. Бугун ўша Ботиржон «ўғлим» Сурхондарёда. Менинг, ўз оиласи, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, ёру биродарларининг туни тинч, осуда ўтиши, меҳнат куни баракали бўлиши учун душман билан жанг қиляпти. Қўшним — Ботиржоннинг онасини ҳар кўрганда юпатаман. Бироқ беш нафар болажонимиз, жигарпорамизнинг гулдай умри хазон бўлганига, кўзлари очиқ кетганига жону жаҳонимиз ўртаниб кетяпти, биз, оналарнинг. Дили пок, кўнгли тоза, ҳали биронта бокира қизнинг қўлидан тутмаган, сирли муҳаббат куйида сармаст, чиройли гўшангаларга куёв бўлиш ниятида юрган бу ўғлонларимизнинг, уларнинг ота-оналарининг бу дунёдан умидлари катта эди. Наилож, кўргилик-да, деймиз-у, аммо тинчлик замонида тўкилган бегуноҳ қонлар ҳаққи-ҳурмати ўз қонига ботгур душманнинг ер билан яксон бўлишини сўраймиз, Оллоҳдан.

Менинг ўғлим йўқ. Бироқ бугун Сурхондарёнинг баланд тоғ даралаларида душман билан олишиб, мен каби оналар ҳаётини ҳимоя қилаётган ҳар бир ўғлон — менинг болажоним, менинг жигарбандим. Оналар дуобаъд қилса, оналар қарғаса, у дунёю, бу дунёси куйиб кул бўлгай душманнинг, улар, албатта, ер тишлагай. Оналар қаҳр-ғазабига дучор бўлишдан қўрқсин, ғанимлар. Улар меҳр сути эммаган, кўкрак тафтини туймаган ватанфурушлардир. Оналарни қақшатган кўпга бормайди. Омин.

**Умида ФАЙЗИЕВА.**

**Инсоният компьютер асрига кириб бораяпти, мисли кўрилмаган янги-янги имкониятлар кашф этилмоқда. Бироқ маънавиятимизни, руҳимизни мутолаасиз тарбиялаб бўлмаслигини кундан-кунга теранроқ англаяпмиз. Янги авлодни буюк аждодларимиз каби комил инсон бўлиб етишишлари учун, аввало, маънавий бой кутубхоналар зарур.**

**Янги ўқув йили олдидан**

# ЗАМОНАВИЙ КУТУБХОНА

***у қандай бўлиши керак?***

Замонамизнинг бахтли фарзандлари учун замонавий кутубхоналар қандай бўлиши керак? Бу саволнинг жавоби ўлароқ, пойтахтнинг Миробод туманидаги 110-мактабда ташкил этилган замонавий кутубхонанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-сонли қарорининг 11-бандида ўқув кутубхоналарини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан етарли даражада тўлдиришда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳамкорлиги ҳақида сўз юритилган эди.

Шунга кўра, Молия вазирлиги томонидан республикадаги барча ўқув кутубхоналари учун 700 миллион сўм пул ажратилди. Шундан 42,2 миллион сўми Тошкент шаҳридаги мактаб кутубхоналарини дарслик ва ўқув адабиётлари билан тўлдиришга сарфланди.

— Агар боланинг қўлида дарсликлари бўлмаса, ундан билим талаб қилиш ҳам ноқулай, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси дарсликлар бўйича мутахассиси Ж.Алиева. — Шундай оилалар борки, 3-4 тадан фарзандлари мактабда ўқийди. Уларнинг ҳар бирига 10-13 тадан китоб сотиб олиб беришга ота-онанинг имконияти бўлмаслиги мумкин. Шу боис ажратилган пулнинг 1427985 сўмига бадиий китоблар, қолган каттагина қисмига дарсликлар олдик.

Замонавий кутубхона учун 3150 дона энг янги бадиий китоблар ҳамда «Интернет» тармоғига боғланган компьютер сотиб олинди. Эндиликда ўқувчилар узоққа бормай, мактаб кутубхонасида жаҳоннинг энг сўнгги воқеаларидан воқиф бўлиш имкониятига эга бўлдилар.

Маълумки, 1 — 7-синф ўқувчилари лотин алифбосида савод чиқарганлар. Уларнинг билимларини мустаҳкамлашлари учун лотин алифбосидаги қўшимча бадиий адабиётлар деярли йўқ эди. Қувонарлиси шундаки, энди бу ташвишга ўрин қолмади. Ўқувчилар учун лотин алифбосидаги 100 дан ортиқ эртак ва бадиий китоблар келтирилди.

Тақдимот маросимида республикамизнинг барча вилоятларидан келган маорифчилар қатнашдилар. Улар ўзлари фаолият кўрсатаётган мактабда бу янгиликни жорий этадилар, деган умиддамиз.

**Дилбар ТУРҒУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Таълим

# «БАРКАМОЛ АВЛОД» КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАЙДИ

**Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 9 та академик лицей ва коллеж мавжуд. Янги ўқув йилидан улар сони яна 12 тага кўпаяди. Бундан ташқари, 40 дан зиёд касб-ҳунар мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртлари бор. Давр талабига кўра улар фақат ташқи кўриниши бўйича эмас, балки мазмун-моҳияти, ўқитиш даражаси жиҳатидан ҳам жаҳоний андозаларга жавоб бериши лозим. Албатта, бундай ислоҳотни жорий этиш учун, аввало, шу талабларга жавоб бера оладиган кадрлар керак. Хўш, бу кадрларни ким тайёрлаб беради?**

— Олий ўқув юртлари, — дейди вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси бошлиғи М. Холмуҳамедов. — Аммо улар муайян фан мутахассислари, холос. Замонавий касб-ҳунар ва ўрта махсус коллежларини бошқариш учун эса янги типдаги раҳбарларни тайёрлаш эҳтиёжи туғилди.

Биз бу борада ички имкониятдан фойдаланишга қарор қилдик. Вилоятда «Баркамол авлод» деган жамият туздик. Ана шу жамият ҳомийлигида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг истиқболли раҳбар кадрлар захира мактабини ташкил этдик.

Бошқарма раҳбарияти бу жараёнга пухта ҳозирлик кўрди. Дастлаб енгил саноат коллежида семинар ўтказилди. Муаммолар, саволлар шу қадар кўп бўлдики, уларнинг кўпчилигини мунтазам равишда ўрганиб боришга тўғри келди. Ана шундан сўнггина махсус мактаб ташкил этиш ғояси туғилди. Мутахассислар иштирокида мактабнинг ўқув режаси, муваққат Низоми ишлаб чиқилди ва бу ҳужжатлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан қўллаб-қувватланди ва тасдиқланди.

Мавжуд лицей ва коллежлар раҳбарлари мактабга жалб этилишидан аввал махсус тайёргарликдан ўтдилар.

— Насиб этса, келажакда 190 та касб-ҳунар коллежи ва 25 та академик лицейга эга бўламиз. Уларнинг 150 таси янгидан ташкил этилади. Бу ўқув юртларини бошқарувчи кадрларни тайёрлашга ҳозирдан киришганимизнинг боиси шунда, — дейди М. Холмуҳамедов. — Тингловчилар сони ортиб бораверади. Келаси йили ҳокимликлар, олий ўқув юртлари, тармоқ бошқарувлари тавсиясига кўра, тингловчиларни қабул қиламиз.

**Фармон ТОШЕВ.**

# ВАТАН ХАРИТАСИ ҲАММАГА ЗАРУР

Мулоҳаза

Республикамиз Президенти «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида шундай деб ёзади: «Ўзбекистон заминида мавжуд бўлган бойликларга эга давлат жаҳон харитасида кўп эмас. Бу бойликларнинг кўпчилиги ҳали ишга солинмаган. Бу эса бутун дунёга машҳур чет эл компаниялари ва банкларининг эътиборини жалб этиши аниқ». Президентимизнинг ушбу фикрлари республикамиз картографлари учун ҳам муҳим фаолият майдонини очади.

Картографиянинг имкониятлари катта ва унинг маърифий-амалий аҳамияти бебаҳодир. Масалан, Ўзбекистон харитасида Тошкент шаҳри тасвирланган бўлсин. У одатда кичкина рангли айлана (пунсон)да кўрсатилади. Лекин шу айланада берилаётган маълумотга эътибор беринг: харитага қараб Тошкентнинг, Чирчиқ дарёси бўйида, текисликда жойлашганини, аҳолиси 2 млн.дан кўп эканлигини, рангига қараб шаҳар мамлакат пойтахти эканлигини, пунсон сиртидаги доира билан шаҳардаги саноат тармоқлари ва уларнинг миқдорини билиб олиш мумкин. Демак белги — модель ёрдамида жуда кўп маълумот олиш мумкин экан. Бундан ташқари, бу маълумотлар макон ва замон билан боғланган, яъни вақти ва ўрни берилган. Ҳолбуки, бунчалик кўп маълумотни матн ва рақам орқали ифодалаш учун кўп вақт ва варақ сарфлаш керак бўлади. Шунингдек, матнда берилаётган маълумотларни (информацияларни) қисқа, тушунарли ва тўлиқ ифодалаш ва таҳлил қилиш имкони ҳам бўлавермайди. Шунинг учун картографик усулдан ҳозирги вақтда жуда кенг фойдаланилмоқда. Фахрланиб айтамизки, истиқлол йилларида Президентимизнинг махсус Фармони билан «Ўзбекистоннинг географик атласи» тузилиб, 1999 йилда чоп этилди. Бу географик атлас республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг чоп этилган дастлабки географик комплекс асар бўлиб, Президентимизнинг география фанига берган катта эътибори, деб биламиз.

Географик атласда республикамизнинг сиёсий харитаси, табиий шароити ва ресурслари, иқтисодиёти, аҳолиси, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, фан ва маданияти, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқа соҳалар рангли тасвирда ўз ифодасини топган. Атласда жуда кўп янги (оригинал) карталар берилганки, улар республикамиз иқтисодиётида бўлаётган ижобий ўзгаришларни ҳар тарафлама кўргазмали қилиб кўрсатган. Масалан, «Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика харитаси», «Ўзбекистонда ғаллачилик», «Табиатни муҳофаза қилиш» ва ҳоказолар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамизнинг ҳар бир табиий ва иқтисодий географик ҳудудлари алоҳида-алоҳида қилиб муайян масштабда кўрсатилган. У Марказий Осиё мамлакатлари ичида мустақилликдан сўнг чоп этилган дастлабки атласдир.

Хўш, улкан меҳнат самараси бўлган бу атласдан қандай фойдаланилаяпти, деган савол келиб чиқади.

Атлас тўғрисида телевидениеда кўрсатувлар ва матбуотда чоп этилган мақолаларни ўқиган жамоатчилик биздан бу атласни қаердан сотиб олишни, қандай фойдаланиш йўлларини сўраб мурожаат қилишмоқда. Атлас атиги 50 минг нусхада ўзбек тилида чоп этилиб, республика мактабларига 2-3 нусхадан тарқатилган. Ҳолбуки, бу атлас хариталари нафақат мактаблар, балки сиёсий ва иқтисодий бошқарув идоралари, халқ хўжалигининг кўпгина соҳалари учун ниҳоятда керак.

**Турғун МИРЗАЛИЕВ,**
**география фанлари доктори, профессор.**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА МАСОФАЛИ ТАЪЛИМ» ЛОЙИҲАСИ

Узоқ масофадан туриб таълим бериш олий ўқув юртлари истиқболининг навбатдаги босқичига айланяпти. Бундай машғулотлар илк бор 2000 йилнинг охирига бориб йўлга қўйилади. Шу мақсадда «Ўзбекистонда масофали таълим» лойиҳаси устида иш олиб борилаётир. У Тошкент давлат техника университети, Германиянинг Гамбург-Харбург, Даниянинг Альбор ва Голландиянинг Твенти университетлари билан ҳамкорликда яратилаётир. Европа Иттифоқи Комиссияси эса ушбу лойиҳа учун 467 минг евро ажратди.

«Ўзбекистонда масофали таълим» лойиҳаси мамлакатимиз олий ўқув юртларининг ўзида туриб жаҳондаги етакчи университетларда уюштирилаётган ўқув машғулотларини тинглаш имконини беради.

Қўшхабар

# НЕМИС КИТОБЛАРИ ҚИРОАТХОНАСИ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг алоҳида буйруғи билан институт ва университетлар кутубхоналарида чет эл адабиётлари бўлимлари ташкил этилмоқда. Бундай хайрли иш биринчилардан бўлиб Тошкент меъморчилик ва қурилиш институтида амалга оширилди. Хорижий мамлакатларда чоп этилаётган адабиётлар билан кутубхонани бойитиш мақсадида бўлим бир неча китоб фондлари билан алоқани йўлга қўйди.

Эндиликда институт кутубхонаси 6 минг нусхадан ортиқ чет эл китобларига эга. Шулардан беш мингга яқини немис тилидаги нашрлардир. Шу муносабат билан институтнинг немис адабиётлари билан мутолаа қилиш қироатхонаси очилди. У замонавий видео, аудио техник воситалари билан жиҳозланди.

**Акбар АЛИЕВ.**

Ташаббус сўнмасин

# ФЕРМЕР ГУЗАР ҚУРМОҚЧИ

Бугун қишлоқда фермер асосий куч. Ҳаётнинг ўзи эркин меҳнат ва тадбиркорлик учун кенг йўл очмоқда.

Навбаҳор туманидаги Арабхона қишлоғида ташкил этилган «Нурбулоқ» фермер хўжалигига илгари Навоий шаҳридаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишлаган Жалил Жўраев раҳбарлик қилади. Фермерлик ҳаракати бошлангач, уйни ҳам, машинани ҳам сотиб, туғилган жойида фаолият юрита бошлади.

– Фермер хўжалигини ташкил этганимдаёқ, унинг кўп тармоқли бўлишини ният қилгандим, - дейди суҳбатдошимиз «Дамас» русумли машинасидан бир даста ҳужжатларни олиб тушаркан. – Мана, 4-5 йил ичида мақсадимга эришгандай бўлдим. Ҳозир қўлимизни қаёққа узатсак етади. Хўжаликка четдан одам ёллаганимиз йўқ: ҳамма ишга келининггиз, ўғил-қизларимиз билан бемалол улгурамиз.

Фермер дастлаб 7 гектар ер, 10 бош қорамол билан иш бошлаган эди. Кейинги йили ер майдони 14 гектарга, бу йил эса 30 гектарга етди. Қорамоллар бош сони 30 тадан зиёд. Битта ҳайдов, битта чопиқ трактори, плуг, ўт ўриш мосламаси ҳам ўзиники. Бултур 14 гектар майдоннинг 7 гектарига чигит, қолганига буғдой, озуқабоп экинлар эккан эди. «Истиқлол» ширкат хўжалиги фермердан 18 тонна пахта, 16 тонна ғалла, қарийб 2 тонна гўшт қабул қилиб олди. Шартномада кўзда тутилган барча шартлар ошиғи билан бажарилди. Ж. Жўраев фидокорона меҳнати туфайли тадбиркорлар ўртасида ўтказилган бир неча танловлар ғолиби бўлди. Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

– Даромад қалай? – сўраймиз фермердан.

– Мана шу замонавий ҳовлию молхоналар, машинаю тракторлар, тележкаю мосламалар даромад бўлмай нима? – ҳазил аралаш дейди у. – Ният кўп, ишлайдиган замон келди. Энг муҳими, тинчлик бўлсин. Кўп қишлоқлардаги гузарларни кўриб келдим. Мана, бир қадам наридаги Кескантерак қишлоғи гузари қанча одамларнинг оғирини енгил қилаяпти. Очиғи, бу ишларни кўргач, дилимда бир орзу уйғонди. Мен ҳам қишлоғимизда замонавий гузар қурмоқчиман. Сарф-харажатларнинг ҳаммаси ўз ҳисобимдан бўлади. Лойиҳалар тайёр. Ҳозирги кунда ажратилган ерни текислаб, шағал тўкаяпмиз. Бу ерда чойхона, ҳовуз, савдо шохобчалари, маданий-маиший хизмат бинолари бўлиши кўзда тутилган. Ўтган йили Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш корпорациясидан олма, ёнғоқ, нок, анор, бодом каби ўн хил мевали дарахт кўчатларини олиб келиб, янги боғ ташкил этгандим, уларнинг энг сараларини гузар ҳудудига кўчириш мўлжалим бор.

Ҳа, ташаббускор фермер Жалил Жўраевнинг эзгу орзуси ана шундай. У айни кунларда ўз қишлоғида қурилажак замонавий гузарни кўз олдига келтириб, эртанинг беҳаловат ташвишлари билан яшаяпти.

Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, Жалил ака!

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 15 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 164,52 | 1 Миср фунти | 81,47 | 1 СДР | 372,72 |
| 1 Австрия шиллинги | 18,63 | 10 Испания песети | 15,41 | 1000 Туркия лираси | 0,44 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 426,58 | 100 Италия лираси | 13,24 | 1 Финляндия маркаси | 43,11 |
| 10 Бельгия франки | 63,54 | 1 Канада доллари | 191,59 | 1 Франция франки | 39,08 |
| 1 Голландия гульдени | 116,31 | 1 Хитой юани | 34,32 | 1 Швейцария франки | 164,93 |
| 10 Греция драхмаси | 7,61 | 10 Люксембург франки | 63,54 | 1 ЕВРО | 256,32 |
| 1 Дания кронаси | 34,38 | 1 Малайзия ринггити | 74,78 | 10 Жанубий Корея вони | 2,55 |
| 1 БАА дирхами | 77,36 | 1 Германия маркаси | 31,06 | 10 Япония иенаси | 26,15 |
| 1 АҚШ доллари | 284,14 | 1 Польша злотийси | 65,21 | 1 Россия рубли | 10,26 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 52,25 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



# ҚОРАКЎЛЧИЛАР ЮТУҒИ

Конимех туманидаги Абай номли қоракўлчилик ширкат хўжалиги Айдаркўл бўйида жойлашган. Хўжаликда жорий йилнинг баҳорида қўй-қўзилар сони 82 минг бошдан ошиб кетди. Ҳар юз бош совлиқдан 111 тадан қўзи олинди.

Илгари бу ерда 120 та чўпон отари мавжуд эди. Эндиликда эса улар сони 240 тага етди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Чорвадорлар бу йил қоракўл терининг ўзидан 92 миллион сўм даромад олишди.

Айни пайтда бу ерда қишлов учун чорва озуқаси жамғарилмоқда. Бу ишга 6 та озуқа тайёрловчи бригада, 15 та техника ва 60 нафар ишчи кучи жалб этилган.

**СУРАТЛАРДА: ота-бола чўпонлар Умр Тоғаев ва Хўжабек Тоғаевлар отарда; чўпон Жанғил Муродова.**

**С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**



**Қўшни Қозоғистон Республикасида юқумли касаллик – куйдирги пайдо бўлганлиги ва унинг мамлакатимизга ҳам ўтиш хавфи борлиги барчани бирдай ҳушёр торттирди. Айниқса, Чимкент вилоятига чегарадош бўлган Тошкент вилоятида бу хавфнинг олдини олиш учун шошилинч чора-тадбирлар белгиланди.**

# ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

Саломатлик хизмати

Маълумки, ушбу юқумли касаллик уй ҳайвонлари ҳисобланмиш қорамол, қўй-эчки ҳамда уларнинг гўшти, сути орқали ўтади. Шу боис вилоят ҳудудидаги божхона масканларида биринчи навбатда уй ҳайвонлари, шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотларининг олиб ўтилмаслигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз ўтган шанба ва якшанба кунлари вилоят божхона бошқармасига қарашли 3-«Халқобод» божхона масканида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

— Асосий манзилимиз Янгийўл туманининг Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган, — дейди маскан бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Расулжон Холиқов. — Қўшни мамлакатда юқумли касаллик пайдо бўлганлиги ҳақида хабар олганимиздан кейин ҳушёрликни янада оширдик. Хавфнинг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида туман соғлиқни сақлаш бўлими, санитария-эпидемиология станцияси ҳамда ветеринария хизмати ходимлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Божхона маскани смена бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Ойбек Шермуҳамедов, инспектор Абдувосит Иноятов чегарадан ўтаётган автотранспорт воситалари; уларнинг ҳайдовчилари ва ҳар бир йўловчини диққат билан кузатувдан ўтказиб, сўнгра рухсат беришмоқда.

Божхона ёнгинасидаги дезинфекция хандағи олдида автомашиналар, йўловчилар тиббиёт кўригидан ўтказилаяпти.

— Ҳозирча куйдирги билан оғриганлар учрагани йўқ, — дейди фельдшер Номоз Сотимбоев. — Биз ҳамкасбим Ҳусан Дуйсенов, СЭС ходими Людмила Захарова билан ҳар бир йўловчини алоҳида-алоҳида текширувдан ўтказаяпмиз. Транспорт воситалари дориланган хандақдан ўтказилиб, сўнгра дезинфекция қилинмоқда. Шундан кейингина чегарадан ўтишга рухсат бераяпмиз. Нафақат куйдирги белгилари, балки бошқа оддий юқумли хасталиклар билан оғриганларни ҳам ортига қайтариб юбораяпмиз. Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлган маъқул-да.

Икки кун мобайнида чорва моллари олиб ўтилишининг гувоҳи бўлмадик. Сабабини туман ветеринария хизмати ходими Ҳусан Қоражонов қуйидагича изоҳлади:

— Чорва моллари бу ердан деярли олиб ўтилмайди. Чунки қўшни Қозоғистонда гўшт биздагидан анча қиммат. Аксинча, баъзи кунларда ўзимизнинг фуқароларимиз у томонга молларни олиб ўтмоқчи бўладилар. Масалан, куни кеча 3 та от қўшни республикага олиб ўтилаётганда тўхтатилиб, от эгасига нисбатан маъмурий жазо қўлланилди.

Қўшни Бобур номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги божхона пунктида ҳам шанба ва якшанба кунлари чорва моллари, гўшт ва сут маҳсулотлари олиб ўтилиши қайд этилмади.

— Шундай бўлишининг яна бир сабаби шуки, — дейди смена бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Мирвоҳид Толипов, — биз қозоғистонлик ҳамкасбларимиз ҳузурига бориб, уларни огоҳлантириб келдик. Улар ҳам ўз навбатида биз томонга тақиқланган маҳсулотларни ўтказмасликка ҳаракат қилишаяпти.

— Атроф қишлоқлардаги айланма йўллар орқали бундай маҳсулотлар олиб ўтилса-чи?

— Бунга сира йўл қўймаймиз, — деди Расулжон Холиқов. — Патруль машинамиз кечаю кундуз айланма йўлларни назорат қилиб турибди. «Халқ сўзи» орқали халқимизга етказиб қўйинг. Божхоначилар бугун ҳар доимгидан ҳам ҳушёр. Тақиқланган бирорта ҳам нарса чегарадан ўтмаслигига кафолат берамиз.

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Биз дунёга чиқамиз

# «BASF АГ» ФИРМАСИ УЧУН ЯШИЛ ЧИРОҚЛАР

**• Жаҳон рақобат майдонида учинчи ўринда**
**• Ўсимликларни ҳимоя қилувчи 15 турдаги препарат**
**• Самара йилига 250 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда**

Германиянинг Людвигсхафен шаҳрида жойлашган «BASF АГ» фирмаси 125 йилдан бери фаолият кўрсатиб келади. У халқ хўжалиги, аниқроғи, қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича препаратлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Бу борада фирма катта обрў-эътиборга эга. Унинг ишлари жаҳондаги кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланиб, эътироф этилгани шундан далолат беради.

1991 йилда бизнинг республикамизда «BASF АГ»нинг ваколатхонаси очилди. Ўтган давр мобайнида мазкур ваколатхона томонидан мамлакатимиз ўсимликларини ҳимоя қилиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, атроф-муҳитга, инсонга зарар етказмайдиган хавфсиз ва самарали препаратлар олиб келинди. Бу препаратлар эса ўз навбатида ўзбек деҳқонининг мушкулининг осон қилди, фирма эса унинг ишончли шериги ва дўстига айланди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоятларида мазкур фирмани маҳсулотларидан фойдаланилмоқда. Келтирилган препаратлар эса самарадорлиги, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари ва касалликларига ўз вақтида таъсир этиши билан ҳаммага маъқул бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «BASF АГ» фирмасининг фаолият доираси, унинг бўлинмалари тобора кенгайиб бормоқда. 2000 йил 1 июлдан амал қилиш шарти билан АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Мэдисон шаҳрида жойлашган «America Home Products Corporation» (AHP) фирмасидан «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» тижорий сегментини сотиб олди. Американинг тегишли органлари ушбу савдога рухсатнома бергач, дастлаб Federal Trade Commission (FTC), кейинроқ Европа Иттифоқи Комиссияси ҳам бу ўзаро келишувга рози эканликларини билдиришди. Ундан аввалроқ фирма 3,8 миллиард АҚШ долларига «Cyanamid» фирмасини ҳам харид қилганди.

Бу, айтиш мумкинки, унинг тарихидаги энг омадли савдодир. Натижада 1999 йилда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари айланишининг қиймати 1,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бошқача айтганда, «BASF АГ» фирмаси ўз тижорат сегментини икки баравар ошириб, рақобатчилари олдида янги мавқега эга бўлди. У жаҳондаги ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида учинчи ўринга чиқиб олди.

«Биз шу тариқа ҳам минтақавий маънода, ҳам маҳсулот турлари бобида «ўсимликлар ҳимояси» сегменти соҳасида анъанавий фаолиятимизни изчил кенгайтиришга эришдик», — дейди «BASF АГ» фирмаси бошқарувининг аъзоси, «Соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари» сегменти учун масъул Эгерт Фошерау.

«Ўсимликларни ҳимоя қилиш» тижорат сегменти раҳбари Фридрих Фогел эса дил сўзларини шундай изҳор этди: «Мен қисқа муддатда улуғвор режамизни амалга ошира олганимиз, интеграциялашув жараёнида катта муваффақиятга эришганимиздан қалбимда ғурур ва ишонч туйғусини ҳис этаяпман».

Дарҳақиқат, «BASF АГ» фирмаси ўтган ойлар давомида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг 100 дан зиёд асосий йўналишларини ўз вақтида забт этиб, жаҳонда тижорат фаолиятини янада ривожлантириш учун ишончли пойдевор яратди. Муҳими, унга ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари тижорати билан шуғулланиш йўсинларини ишлаб чиқишга ҳам ижозат берилди.

«Янги, кенгайган ва жанговар қобилиятли ташкилот шу йилнинг октябр ойидаёқ тўлиқ шаклланиши учун жамоаларимиз бундан кейин ҳам илгаригидек жиддий ва жадал иш олиб бораверади», — дейди Фридрих Фогел.

Масаланинг шу тахлитда қўйилишининг ўзиёқ «BASF АГ» фирмаси ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиш мавсумини ўз вақтида бошлаб юбориш имкониятига эга эканлигини англатиб турибди. Эътиборлиси, бу жамоа муайян соҳаларда фойдаланиладиган маҳсулотларнинг энг сара турларини таклиф қила олади.

«Ўсимликларни ҳимоя қилиш» корхонаси сегментининг тижорат бошқаруви бундан буён Нью-Жерси штати (АҚШ)нинг Mount Olive шаҳрида жойлашади. «Cyanamid» фирмасининг қўшилиши муносабати билан эса «BASF АГ» муваффақиятида ҳал қилувчи омилларга эга бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг тижорат шўъбаси фаолияти узоқ муддатга ташкил этилади.

Энди фирманинг истиқболдаги режалари хусусида тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборатдир:

- Асосий деҳқончилик-аграр бозорларида етакчи бўлишни ўз зиммасига олади. Дунё миқёсидаги бозорларда, айниқса, Шимолий ва Жанубий Америкадаги деҳқончилик-аграр бозорларида иштироки анча кенгаяди, Европа ва Осиёдаги мавқеи анча мустаҳкамланади.
- Барча деҳқончилик экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб самарали препаратларни таклиф этади, бинобарин, фирма келажакда ҳам юқори сифатли инсектицидларга эга бўлади.
- 2006 йилга қадар қўшма тадқиқот ишлари лабораторияларида умумий қиймати икки миллиард АҚШ доллари миқдорида ўсимликларни ҳимоя қилувчи 15 турдаги модда ишлаб чиқарилади.

Қўшма корхона фаолиятини йўлга қўйиш туфайли йилига 250 миллион долларга яқин самара олиш мўлжалланмоқда. Бунинг тенг ярмига 2001 йилдаёқ эришиш кутиляпти.

«BASF АГ» фирмаси кимё, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, нефть ва газ соҳаларида иқтисодий юксалишга интилаётган халқаро корхонадир. Гап шундаки, кимёвий моддалар, пластмасса, бўёқлар, дисперция, автомобиль ва саноат лаклари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, дори-дармонлар, нефть ва газ унинг маҳсулотлари сирасига киради.

Фирманинг ўзига хос кўп қиррали стратегияси мавжудлиги унинг энг кучли жиҳатларидан бири бўлиб, бу рақобат курашида корхона учун ҳал қилувчи устунлик беради. 1999 йилда айланма маблағи 29,5 миллиард АҚШ долларига тенг бўлгани, 105000 ходим меҳнат қилаётгани «BASF АГ» фирмасининг дунё кимё саноатининг етакчи корхоналаридан ҳисобланишини яна бир карра тасдиқлайди.

Сиз фирма ҳақидаги қўшимча маълумотларни интернетнинг WWW.Basf.de. саҳифасидан топишингиз мумкин.

